

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

*Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон
ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси
майор Қодирова Камола Тохиржоновна*

Аннотация

Мақолада аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенгликни таъминлашда халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги ўртасидаги уйғунлик таҳлил қилинган. Аёлларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамиятнинг уларни қўллаб-қувватлашдаги роли, оилада гендер тенгликни таъминлаш механизми ёритилган. Шунингдек, аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, таълим ва ишга ҳуқуқ, ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги чора-тадбирлар кўриб чиқилган. Мақолада ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий механизмлар илмий-таҳлилий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглик, халқаро стандартлар, БМТ конвенцияси, миллий қонунчилик, оила, ижтимоий ҳимоя, зўравонликка қарши ҳимоя, ишга ва таълимга ҳуқуқ.

Аёллар ҳуқуқини амалда таъминлашни инсон ҳуқуқи бўйича халқаро институтларнинг фаолиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Аёллар ҳуқуқи бўйича халқаро институтларнинг ҳуқуқий мақомида аёл ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг талаблари ва механизми белгилаб берилган бўлади.

Бугунги кунда аёллар ҳуқуқи бўйича турли хил халқаро институтлар фаолият юритиб, уларнинг фаолияти аёлларни, чет эл фуқароларини, фуқаролиги бўлмаганларни, аёл ҳуқуқи бузилганда жабрланганларни ҳимоя қилишга хизмат қилади. Аёллар ҳуқуқи бўйича халқаро институтларнинг вужудга келиш тарихи Бирлашаган Миллатлар иборасига бориб тақалади. Бу ибора илк бор 1942 йил 1 январда АҚШ Президенти Ф.Рузвелт таклифига кўра Бирлашаган Миллатлар декларациясида қўлланилган. Бирлашган Миллатлар дунёнинг 26 давлати томонидан 2-жаҳон урушининг бошланишига сабабчи бўлган давлатларга қарши бирлашиш мақсадида вужудга келган эди. Бу тузулма кейинчалик Бирлашаган Миллатлар Ташкилои (БМТ) сифатида ташкил этилди.

Ҳозирда халқаро даражасида аёллар ҳуқуқи билан шуғулланувчи низомий ва шартномавий органлар тизими шаклланиб, БМТнинг ушуб шартномавий органларига 1) Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2) Қийноқларга қарши қўмита, 3) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар

бўйича кўмита, 4) Меҳнаткаш-мигрантлар ҳуқуқлари бўйича кўмита, 5) Аёллар ҳуқуқининг камситилишини олдини олиш бўйича кўмита, 6) Ирқий камситишнинг барча турларини олдини олиш бўйича кўмита, 7) Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитани санаб ўтиш мумкин.

Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишга бағишланган асосий халқаро ҳужжатларга БМТ Устави, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакти, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакти, “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция, “Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида”ги конвенция, “Аёлларга нисбатан каситишларга барҳам бериш тўғрисида”ги декларация, “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция, “Аёлларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш тўғрисида”ги декларация ва бошқа халқаро ҳужжатлар киради.

Ўзбекистонда барча фуқаролар ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳисобланади. Аёллар ҳам қонун олдида эркин ва тенг ҳуқуқларга эга шахслардир. Давлат аёлларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим, ишга ва ижтимоий ҳимояга ҳуқуқини таъминлашда алоҳида эътибор қаратади. Масалан, Конституциянинг 58-моддаси хотин-қизлар ва эркаклар барча соҳаларда тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди. Бу модда аёлларнинг ишга, таълимга ва сиёсий фаолиятга тенг имкониятини кафолатлайди.

Аёллар ҳуқуқлари халқаро ҳужжатларда қатъий белгиланган:

- БМТнинг “Аёлларга нисбатан барча шаклдаги кемситишларни тугатиш тўғрисида”ги Конвенцияси (CEDAW), 1979 йил;
- “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, 1948 йил;
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, 1966 йил;
- Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, 1966 йил.

Мазкур ҳужжатлар аёллар ва эркаклар барча соҳаларда тенг имкониятларга эга бўлишини талаб қилади. Бу, айниқса, таълим ва ишга чиқишда, шунингдек, оилада ва жамиятда тенгликни таъминлашда муҳимдир.

Аёллар ҳуқуқи бўйича миллий институтлар даставвал Араб халифалигида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикасида ҳам аёл ҳуқуқи бўйича миллий институтлар тизими Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик

субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тузилмаларидан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий МАжлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили аёллар ҳуқуқларининг беғараз ва инсон парвар ҳимоячиси ҳисобланади. У аёллар ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқади ва текширади, айрим ташкилотлар ва мансабдор шахслар йўл қўйган хатоликларни тугатиш юзасидан тадбирлар тавсия қилади, аёллар ҳуқуқини тикланишига ёрдамлашиб, жиддий бузилишига сабабчи шахсларни қонунга биноан жавобгарликка тортиш тўғрисида тавсия беради.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳам аёлларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди. Масалан: **Оила кодекси**, аёлларнинг оилада ҳуқуқ ва масъулиятини аниқлайди, бола ва оила билан боғлиқ масалаларда уларнинг қарор қабул қилишда тенг иштироки таъминланади. **Фуқаролик кодекси**, аёллар мулк ва мол-мулк ҳуқуқларини, мерос ва ижтимоий таъминотда тенгликни ҳимоя қилади.

Аёллар оилада ва жамиятда тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак. Бу қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган. Ота-она вазифаларини бажаришда эркак ва аёл тенг масъул ҳисобланади; Аёллар ижтимоий ҳимояга, тиббий хизматлардан фойдаланишга ва таълим олишга ҳуқуқли; Ҳар қандай зўравонлик, айниқса оиладаги зўравонлик қонун билан қатъий тақиқланади ва жазо чоралари белгиланган. *Мисол учун*, 2022 йилда Ўзбекистонда оиладаги зўравонлик ҳолатлари бўйича қонунчилик янги таҳрирда қабул қилинди, бу аёлларни ҳимоя қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини мустаҳкамлайди.

Аёллар таълим ва ишга тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак. Бу жараён аёлларнинг иқтисодий мустақилликка эришиши ва шахсий ривожланиши учун муҳимдир. Давлат олий ва касб-хунар таълим муассасаларида аёллар учун тенг имкониятлар яратади; Иш жойларида гендер тенгликни таъминлаш учун қонунлар қабул қилинган, дискриминацияга йўл қўйилмайди. **Мисол:** Айрим давлат дастурлари аёл тадбиркорлар учун кредит ва субсидиялар бериш орқали иқтисодий имкониятларини кенгайтирган.

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари

- Оила ва Фуқаролик кодексига мувофиқ аёллар ҳуқуқлари давлат ва жамият томонидан ҳимоя қилинади;
- Аёлларга нисбатан зўравонлик, бепарволик ёки дискриминация ҳолатлари учун жавобгарлик белгиланган;
- Гендер тенгликни таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя чоралари давлат дастурлари орқали амалга оширилади.

Аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш демократик давлатнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари халқаро стандартларга мос равишда миллий қонунчиликда мустаҳкамланган. Конституция, Оила кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар аёлларнинг жисмоний, маънавий, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини таъминлайди. Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий бурчдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент, 2023 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси
4. БМТнинг “Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларни тугатиш тўғрисида”ги Конвенция (CEDAW), 1979 йил
5. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”
6. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт
7. “Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт
8. “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция.
9. “Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида”ги конвенция.
10. “Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида”ги декларация.
11. “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция.
12. “Аёлларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш тўғрисида”ги декларация.